

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕФРОЛОГИЯ ВА БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ИLMИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ФОКАЛ-СЕГМЕНТАР ГЛОМЕРУЛОСКЛЕРОЗНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

Тошкент – 2025 й

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
РИНваБТИАТМ директори
тиббиёт фанлари доктори,
проф. Б.Т. Даминов



**ФОКАЛ-СЕГМЕНТАР ГЛОМЕРУЛОСКЛЕРОЗНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

Тошкент – 2025 й

Мундарижа:

1	Фокал – сегментар гломерулосклероз нозологияси бўйича ташхислаш ва даволашнинг миллий клиник баённомаси.....	5 – 45
2	Фокал – сегментар гломерулосклерозда миллий клиник протокол бўйича тиббий аралашувлар.....	46-50
3	Фокал – сегментар гломерулосклерозда миллий клиник баённома бўйича тиббий профилактика ёки реабилитация.....	51-55

**ФОКАЛ-СЕГМЕНТАР ГЛОМЕРУЛОСКЛЕРОЗНИ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ БЎЙИЧА
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

1. Кириш

1.1. Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ -10 код(лари):

N00.1	Ўткир нефритик синдром. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N01.1	Тез ривожланиб боровчи нефритик синдром. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N02.1	Рецидивланувчи ва турғун гематурия. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N03.1	Сурункали нефритик синдром. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N04.1	Нефротик синдром. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N05.1	Аниқланмаган нефритик синдром. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N06.1	Яккаланган протеинурия аниқланган морфологик ташхис билан. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар
N07.1	Ирсий нефропатия, бошқа сарлавҳаларда таснифланмаган. Ұчоқли ва сегментар гломеруляр шикастланишлар

1.2. Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси: Ишлаб чиқиш санаси 2025 йил, 2028 йил қайта кўриб чиқиш санаси ёқи янги асосий далиллар ишлаб чиқиши билан. Тақдим этилган тавсиялар бўйича барча тузатишлар тегишли хужжатларда эълон қилинади.

1.3. Клиник баённома ва стандартни ишлаб чиқишда маъсул муассаса: Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий – амалий тиббиёт маркази (РИН ва БТИАТМ).

1.4. Клиник баённомани ишлаб чиқишда ўз хиссасини қўшган нефрологиянинг ишчи гуруҳи:

№	ФИИШ	Иш жойи	Лавозими/унвони
1.	Закиров Джурат Фатихович	т.ф.н. олий тоифали шифокор.	РИН ва БТИАТМ 2 гемодиализ бўлимининг бўлим бошлиғи
2.	Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич	т.ф.д., доцент	РИН ва БТИАТМ илмий бўлим бошлиғи

3.	Эгамбердиева Дано Абдисаматовна	т.ф.д., профессор	ТошПТИ
4.	Мирзаева Барно Миркамолловна	т.ф.н., доцент	ТошПТИ
5.	Даминова Камола Маратовна	т.ф.д., доцент	ТДСИ
6.	Мунавваров Бурхон Абдужалилович	т.ф.н., доцент	ТДСИ

1.5. Асосий муаллифлар рўйхати:

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозим/унвони
1.	Сабиров Максуд Атабаевич	РИНваБТИАТМ	Илмий ишлар бўйича директор ўрибосари. т.ф.д., профессор
2.	Шарапов Олимхон Надирханович	РИНваБТИАТМ	«Катталар ва болалар нефрологияси» бўлимнинг илмий ишлар бўйича бўлим бошлиғи
3.	Султанов Нодир Назирович	РИНваБТИАТМ	Илмий бўлим бошлиғи, т.ф.н.

1.6 Такризчилар:

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозим/унвони
1.	Гайпов Абдужаппар Эркинович	Nazarbayev University	Nazarbayev University нингтиббий мактаб доценти, т.ф.н.
2.	Каттахаджаева Гулчехра Абдунабиевна	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	Тиббиёт фанлари доктори, доцент

1.7. Техник кўриб чиқиш ва тахрирлаш гуруҳи:

1. **Халиков Алишер Юсупович** – Академик Я.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази.
2. **Тургунова Дилором Пулатовна** – Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

1.8. Мухокама баённомасидан кўчирма санаси ва рақами: РИН ва БТИАТМ илмий кенгашининг 2025 йил 20 майдаги № 5 сонли баённомасидан кўчирма.

6) Протоколда ишлатилган қисқартмалар;

ФҚТВ	Фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти
АРБ	Ангиотензин-II рецепторлари блокаторлари (АТК тасниф: «Ангиотензин II рецепторлари блокаторлари»)
ОИТВ –	Одам иммунтанқислик вируси – ишончли оралиқ
ААФи	Ангиотензин алмаштирувчи фермент ингибиторлари (АТК тасниф: «ААФ ингибиторлари»)
ИСТ –	иммуносупрессив терапия
МА	мета-анализ
ХКТ	Халқаро касалликлар таснифи
ХНН	Халқаро нормаллаштирилган нисбат: «халқаро нормаллашган нисбатни аниқлаш (ХНН)»)
ЎБШ	Ўткир буйрак шикастланиши
РАТ	ренин-ангиотензин тизими
РКТ	рандомизирланган клиник текширув
хис.КФТ	Ҳисобий коптокчалар фильтрация тезлиги
КФТ	Коптокчалар фильтрация тезлиги
ТБЕ	Терминал буйрак етишмовчилиги
ФСГС	Фокал-сегментар гломерулосклероз
СБЕ	Сурункали буйрак етишмовчилиги
ЭМ	Электрон микроскопия «Буйрак тўқималари микропрепаратини электрон микроскопияси»)
Ig	Иммуноглобулинлар

7) Қуйидаги нозология бўйича протоколни қўллаш;

- Умумий амалиёт шифокори;
- Терапевтлар;
- Нефрологлар;
- Ревматологлар;
- Кардиологлар;

8) Қуйидаги категория бўйича беморлар;

- Ёши катталар.

Далилларга асосланган тиббиётнинг, ишончлилик даражаси шкаласи (ИДШ).

Ишончлилик даражаси	Таъриф
1	Мета анализ қўллаш билан РНТ ни тизимли кўриб чиқиш.
2	Мета анализ қўллаш ёрдамида (РНТ дан ташқари) танланган алохида тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
3	Рандомизирланмаган қиёсий текширувлар, шу жумладан когорт текширувлар
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, мисоллар ҳисоботлари ёки “ҳолатлар серияси”, вазиятни назорат қилиш бўйича тадқиқотлар
5	Аралашувнинг таъсир механизми (клиник тадқиқотларгача) ёки эксперт хулосаси учун асос мавжуд

Далилларга асосланган тиббиётда ишончлилик даражаси шкаласи.

Далилларга асосланганлик тоифаси	Далиллар манбаи	Таъриф
A	Рандомизирланган назорат остидаги синовлар	Далиллар ишончли натижаларга эришиш учун етарли миқдордаги беморларда ўтказилган яхши рандомизирланган синовларга асосланган. Кенг қўлланишга тавсия этиш мумкин.
B	Рандомизирланган назорат остидаги синовлар	Далиллар рандомизацияланган назорат остидаги синовларга асосланган, аммо киритилган беморлар сони ишончли статистик таҳлил учун етарли эмас. Тавсиядар чекланган аҳоли учун қўлланилиши мумкин.
C	Рандомизирланмаган назорат остидаги синовлар	Тасадифий бўлмаган клиник тадқиқотларга ёки чекланган миқдордаги беморларда ўтказилган тадқиқотларга асосланган далиллар
D	Экспертлар фикри	Далиллар маълум бир масала бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган консенсусга асосланган

2. АСОСИЙ ҚИСМ.

Кириш

2.1 Атама ва таъриф:

Фокал-сегментар гломерулосклероз (ФСГС) – бу протеинурия ёки нефротик синдром билан клиник намоён бўладиган, ёруғлик микроскопиясида морфологик фокал(алоҳида коптокчаларда) ва сегментар(алоҳида капилляр тизимида) склероз билан характерланадиган, электрон микроскопда(ЭМ) подоцитлар оёқчаларини тарқалиши билан намоён бўладиган гломерулопатиянинг бир тури. [1-5].

2.2 Касалликни этиологияси ва патогенези ёки ҳолатлар (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи)

ФСГС “подоцитопатиялар” гуруҳига кирувчи касаллик бўлиб, буйрак коптокчаларининг висцерал эпителиал хужайраларини(подоцитлар) шикастланиши натижасида ривожланади. Патогенетик механизми бўйича ФСГС бирламчи, иккиламчи (1 жадвал) ва детерминирланган генетик турларига бўлинади. Бирламчи ФСГС кенг тарқалган бўлиб, бунда подоцитларни шикастланиши айланиб юрувчи қон “ўтказувчанлик омили” билан характерланади. Тахминларга кўра, бу омиллар подоцитлар тузилишида структур-функционал ўзгаришларни келтириб чиқариб, оёқча ўсиқларининг тарқалиши, апоптоз ва гломеруляр барьер бузилиши, базал мембранани кўчиши ва протеинурия ривожланиши билан характерланади. Эрийдиган урокиназа типигадаги плазминоген фаоллаштирувчи рецепторлар, кардиотрофинга ўхшаш омил-1, CD40 ва бошқа факторлар ўтказувчанлик омиллари сифатида кўриб чиқилади [6,7], ammo уларнинг табиати ҳозиргача тўлиқ аниқ эмас.

Иккиламчи ФСГС-одатда фаол нефронлар массасининг мутлоқ ёки нисбий камайишига жавобан интрагломеруляр гипертензия ва гиперфилтрация ривожланиши билан адаптив реакция сифатида, шунингдек дорилар, токсинлар ёки вирусларнинг подоцитларга бевосита токсик таъсири туфайли юзага келади [3].

Фаол нефронлар массасининг камайиши ҳисобига интрагломеруляр гипертензия ва қолган коптокчаларнинг биргаликдаги гипертрофияси дастлабки босқичда зарур бўлган коптокчалар филтрация тезлигини компенсацион сақлашга ёрдам беради (КФТ). Бирок кейинчалик “гипертоник” шикастланиш қолган коптокчаларни аста секин склерозига олиб келади. Туғма ягона буйрак (буйрак агенезияси, гипоплазияси ва ҳ.к. аномалияларда) ёки ягона буйракни жаррохлик йўли билан олиб ташлаш (нефроэктомиа, буйрак резекцияси) амалиётида, эрта туғилганда, туғилганда тана вазни кам бўлганида, рефлюкс-нефропатияда, гипертоник нефроангиосклерозда, ҳамда сурункали гломерулопатиялар(масалан, гломерулонефритдаги иммун шикастланиш ҳисобига сегментар гломерулосклерозда) ҳолатида нефронларни абсолют камайиши кузатилади[8].

Нисбий олигоневрония морбид семирган одамларда ривожланиб, бунда гломеруляр хажмининг кўпайиши (гломеруломегалия), ФСГС нинг перихиляр турида(1.5 бўлимга қаранг) фақат ўзгарган гломерулияларнинг кичик қисмида ва ЭМга мувофиқ подоцит жараёнларининг фокусли текисланиши билан тавсифланади[9]. Оддий нефронлар сонига эга бўлган интрагломеруляр гипертензиянинг бошқа мисолларига диабетик нефропатия, ўроксимон хужайрали камқонлик, кўк юрак нуқсонлари ва глюкоза-6 фосфатаза етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган кам учрайдиган касалликлар мисол бўла олади. (Гирке касаллиги, I типдаги гликогеноз).

Иккиламчи ФСГС ривожланишига дори воситаларни истеъмол қилиш ва токсик моддалар(1 жадвал): диацетилморфин, памидрон кислотаси, интерферон ва анаболик стероидларни 8 йилдан 20 йилгача қабул қилиш олиб келади [10-13]. ФСГСни антрациклинлар (доксорубин** ва ҳ.к.), литий, кальцийневрин ингибиторлари, сироломусларни узок муддатли қабулида ривожланиши шарҳлаб берилган[14-17]. Вирусли инфекциялар орасида одам иммун танқислик вируси(ОИТВ), парвовирус В 19, цитомегаловирус, Эпштейн-Барр вируси, sv40 вируси ва гепатит С вируслари подоцитларни патогенетик шикастлантириши ҳам аҳамиятлидир.

ФСГС яна генлардаги мутациялар, подоцитларни структур оқсилларини ва диафрагма тирқишини кодланиши ҳисобига ҳам келиб чиқиши мумкин. Ёши катта болалар, ўсмирлар ва катталарда ФСГС ни келиб чиқиши аутосом-доминант типда наслланади. IV типдаги $\alpha 3$ -, 4- и 5- коллагенларни мутацияси катталарда ФСГСни ривожланишини сабабларидан бири бўлмоқда[18]. Бундан ташқари, кўпинча формин (INF2) гени (ФСГСнинг аутосом-доминант ҳолатларини барча турини 12-17% да), актинин $\alpha 4$ (ACTN4), TRPC6, WT1 ва LMX1B да учраши мумкин[19,20].

1 жадвал. Иккиламчи ФСГС сабаблари

Дори воситалар ва токсик моддалар:	<ul style="list-style-type: none"> • Диацетилморфин • Литий
Аналгетик воситалар:	<ul style="list-style-type: none"> • Памидрон кислота, • Анаболик стероидлар • Доксорубин**
Вируслар ва хужайраичи бактериялар:	<ul style="list-style-type: none"> • Гепатит В ва С, ОИТВ • Парвовирус В19, Цитомегаловирус, Эпштейн-Барр • Микоплазма
Нефронлар сонини камайиши билан кечадиган гемодинамик омиллар:	<ul style="list-style-type: none"> • Ягона буйра • Трансплантацияланган буйрак;буйрак дисплазияси • Агенезия, гипоплазия, олигоневрония • Сийдик пуфаги-сийдик йўли рефлюкси
Нормал нефронлар сони билан кечадиган	<ul style="list-style-type: none"> • Қандли диабет • Семизлик

гемодинамик омиллар:	<ul style="list-style-type: none"> • Ўроқсимон гемолитик камқонлик, юракни туғма “кўк” нуқсонлари
Тизимли ноинфекцион касалликлар, шу аснода қон касалликлари ҳам:	<ul style="list-style-type: none"> • Тизимли қизил бўрича • Стилл касаллиги • Лимфомалар (Ходжкин ва Ходжхкин) Тимома • Полицитемия, Эссенциал тромбоцитоз • Ўткир миело- ва лимфолейкоз, сурункали лимфолейкоз • Бирламчи миелофиброз:
Бошқалар:	<ul style="list-style-type: none"> • Гипертони нефроангиосклероз, • Альпорт синдроми • Саркоидоз
Бошқа гломерулонефропатиялард а иккиламчи ўзгаришлар:	<ul style="list-style-type: none"> • IgA нефропатия • Мембраноз нефропатия ва бошқалар.

2.3 Касаллик эпидемиологияси ёки ҳолати (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи)

Нефротик синдромли беморлар орасида ФСГС тарқалганлиги 12-35% га енг[2,21].

ФСГС касаллиги узлуксиз ошиб боради: агар 1994 йилдан 2003 йилгача у 100 000 аҳоли сонига 1,4 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилдан 2013 йилгача 100 000 аҳоли сонига 3,2 (41%)га ошди, бунда бирламчи ва иккиламчи шакллари одатдагидек – тахминан 1:3 нисбатда қолмоқда [22]. Шундай қилиб, ФСГС частотаси бўйича иммуноглобулин А-нефропатия ва диабетик нефропатияларга яқинлашмоқда. ФСГС терминал буйрак етишмовчилиги (ТБЕ) сабабчиси сифатида ҳам частотаси ошмоқда. 1980 фили ФСГС ТБЕ бўлган беморларни 0,2% да аниқланган бўлса, 2000йилга келиб у 2,3%ни ташкил этди, яни 11 мартага ошди. ФСГС туфайли ТБЕ билан бўлган беморларнинг нисбати ҳозирги вақтда 2,3%, мембраноз нефропатия билан солиштирганда 0,4% ва иммуноглобулин А-нефропатия билан эса 0,3% ни ташкил этади[23]. Бунда катталар орасида ирсий ФСГС бўлаги 11% гача деб қаралади [24].

2.4 Саломатлик билан боғлиқ касаллик ва муаммоларни Халқаро статистик таснифи бўйича касаллик ёки ҳолатни кодлаш хусусиятлари(касаллик ёки ҳолатлар гуруҳи)

ФСГС ни ҳамма ҳолатларида сурункали буйрак етишмовчилигини(СБЕ) белгиланган тавсияларга мувофиқ босқичи кўрсатилган бўлиши керак [25].

Босқични белгилаш учун N18.1-N18.5 (2 жадвал) қўлланилади, КФТ ҳисоблаш эса махсус калькуляторда қон плазмасидаги креатинин асосида жинси, ёши ва ирқини инобатга олиб ҳисоблаш амалга оширилади. («Илова Г») [26,27].

2-жадвал. КФТ ва ХКТ-10 бўйича СБК ни босқичларини таснифи

СБК ни номланиши	КФТ мл/мин/1,73 м ² даражаси	ХКТ-10* бўйича	Номи
C1	>90	N18.1	Сурункали буйрак касаллиги, 1 босқич
C2	60-89	N18.2	Сурункали буйрак касаллиги, 2 босқич
C3a	45-59	N18.3	Сурункали буйрак касаллиги, 3 босқич
C3б	30-44		
C4	15-29	N18.4	Сурункали буйрак касаллиги, 4 босқич
C5	<15	N18.5	Сурункали буйрак касаллиги, 5 босқич

Изоҳ: * –СБКни аниқланмаган босқичини белгилашда N18.9 коди қўлланилади.

2.5. Касаллик ёки ҳолат таснифи (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи)

Сабабларига кўра ФСГС қуйидагича таснифланади[28,29]:

1) Бирламчи ФСГС –Айланма зардоб омилларини ҳосил бўлиши билан подоцитларни махсус шикастланиши; кўпинча нефротик синдром билан кечади. ЭМда подоцит оёқчаларини диффуз ($\geq 80\%$)да текисланишини кўриш мумкин; кўпинча буйрак трансплантация қилингандан сўнг рецидивланади, бу ҳолда плазмофорез самарали ҳисобланади.

2) Иккиламчи ФСГС – Коптокча ичи гиперфилтрацияси/гипертензияси ёки токсинлар ёки вирусларнинг бевосита таъсири туфайли подоцитларни шикастланиши натижасида келиб чиқади; нефротик синдром шаклланишисиз яққол намоён бўладиган протеинурия билан характерланиб, буйрак фаолиятини бузилиши билан кечади. ФСГС билан оғриган ушбу гуруҳ беморларида адаптив ўзгаришлар – коптокчалар гиперфилтрацияси ва гипертрофияси аниқланиб, ЭМда подоцитлар ўсиқларини ўчоқли (<80%) тарқалишини кўриш мумкин.

3) Ирсий ФСГС – барча генлардаги мутациялар билан боғлиқ бўлиб, подоцитларни структур оқсилларини ва диафрагмадаги тирқишнинг кодланиши билан боғлиқ; эрта болалик даврда нефротик синдром билан намоён бўлиши мумкин, ўсмирлик даври ёки катта ёшда енгил протеинурия билан намоён бўлиши мумкин.

4) Бундан ташқари, ФСГС билан оғриган баъзи беморларда клиник белгилар ва морфологик текширув натижалари, хусусан ЭМда иккиламчи ФСГСдагиларга ўхшайди, аммо генетик таҳлилни ўз ичига олганига қарамай, тўлиқ текширувда ҳам этиологик омилни аниқлаш мумкин эмас. Бу каби беморларни шартли равишда ноаниқ этиологияли ФСГС гуруҳига киритиш мумкин.




Морфологик расмнинг хусусиятларига кўра ФСГС қуйидагиларга бўлинади [28]:

- 1) **Классик варианты** – айрим капилляр тўрларда(сегментар ўзгаришлар), лекин ҳамма коптокчаларда эмас(ўчоқли ўзгаришлар), мезангий склерози ва коллапснинг сегментар ўчоқлари билан тавсифланади. Дастлаб шикастланишлар юктагломеруляр коптокчаларда жойлашади, шунинг учун фақат пўстлоқ қавати бўлган биопсия материалида улар кўринмаслиги мумкин. Шунингдек, коптокчаларда мезангиал гиперхужайралик ва гиалинни сегментар депозитлари кўринади. Иммунофлуоресцент текширувда иммуноглобулинлар ва комплемент депозитлари аниқланмайди, бироқ баъзи ҳолатларда иммуноглобулин (Ig) М ва комплементнинг С3 фракцияси, мезангийни ўчоқли склерозиди С1ни носпецифик боғлиқлиги аниқланади. Бу турдаги беморларни фақатгина 30%ида глюкокортикостероид терапияга жавоб реакцияси кузатилади.
- 2) **Чўққи варианты (tip lesion)** – подоцитларнинг шикастланиши ва кўпик хужайралар коптокчани проксимал каналчадан чиқиш қисмини “чўққи” соҳасида тўпланиши билан тавсифланади, мезангий ва склероз ўчоқларида иммунофлуоресценс текширувида IgM ва С3 ни носпецифик порлашини кўриш мумкин. ФСГСнинг чўққи варианты бошқа вариантларга нисбатан глюкокортикостероид давога яхши жавоб беради.
- 3) **Перихиляр варианты** – склероз ва гиалиноз перихиал соҳада ривожланади (қон томир тўри атрофида), бунда коптокчаларнинг 50% жараёнга тортилади. Склероз ўчоқларида

IgM ва С3ни носпецифик депозитлари кузатилади. Ушбу шакли кўпинча ФСГСда интрагломеруляр гипертензия ва гиперфилтрация билан боғлиқ шикастланиш натижасида намоён бўлади. Глюкокортикоид терапияга жавоб реакцияси паст.

- 4) **Хужайрали варианты** – бутун капилляр бўшлиғини тўлдирувчи камида битта коптокча биоптатада эндокапилляр гиперхужайралик аниқланишида ташхисланади. Бошқа коптокчаларда классик вариантдаги ФСГСга хос белгилар аниқланади. ЭМда подоцитлар оёкчаларини диффуз тарқалиши кузатилади. ФСГСнинг хужайравий вариантини ташхислаш учун коллапсирловчи ва чўққи вариантини истисно қилиш керак. 20% ҳолатларда терапияга жавоб реакцияси кузатилади.
- 5) **Коллапсирловчи варианты** – коптокчани барча қон томир тўрини коллапси ва склерози билан тавсифланади. Асосан бу шикастланишни кўпинча ОИВ инфекция ҳисобланади, бунинг бошқа сабаблари ҳам мавжуд: парвовирус В19 инфекция, дорили, тизимли қизил бўрича, гемофагоцитар синдром ёки COVID-19 инфекция. Айрим тадқиқотчилар буйракни бу шикастланишини ФСГСга боғлиқ бўлмаган алоҳида шакл сифатида қарашади. Оғир нефротик синдром ва буйрак функциясини тезкор равишда пасайиши, иммуносупрессив терапияга (ИСТ) резистентлик билан намоён бўлади. ФСГСнинг коллапсирловчи вариантини ОИВ ассоцирланган шаклига коптокча каналчаларини кистоз кенгайиши ва мезангиал ва эндотелиал хужайраларда тубуло-ретикуляр киритмаларни бўлиши хос [30,31].

**ФСГС шикастланиши профилига эга ва буйрак биопсиясида бошқа гломеруляр патологиялари бўлмаган беморни баҳолаш.
ФСГС, фокал сегментар гломерулосклероз**



2.6 Касаллик ёки ҳолатни клиник расми (касалликлар ёки ҳолатлар гурӯҳи)

Бирламчи ФСГС билан бўлган беморларни 70-100% ҳолатида касаллик ўткир бошланиб, нефротик синдром билан кечади. Касаллик дебютида беморларни 25-50% да буйрак функциясини пасайиши, 50%да гематурия, 20%ида эса артериал гипертензия кузатилади[32-36].

Иккиламчи ФСГС билан бўлган беморларга протеинурияни секин асталик билан ўсиши(қоидага кўра нефротик синдром кузатилмасдан) ва буйрак фаолиятини қатъий равишда пасайиши кузатилади. Одатда оғир нефротик синдромни келтириб чиқарадиган дорилар(памидрон кислота) ёки вируслар(масалан, ОИВ-инфекцияси) ассоцирланган иккиламчи ФСГС ли беморлар бундан мустасно[37,38]. Иккиламчи ФСГСни клиник намоён бўлишига олиб келувчи касаллик ва ҳолатлар кузатилиши каби хусусиятлар устунлиги кузатилади (1.2 бобга қаранг). Хусусан, дастлабки босқичларда морбид семизликда буйракнинг шикастланиши енгил протеинурия билан субклиник кечиши ва КФТ нинг сезиларли ўсиши, кейинчалик буйрак функциясини пасайиши билан тавсифланади[39].

Ирсий ФСГС билан оғриган беморлар ўзига хос генетик мутациясига қараб кенг клиник кўринишга эга бўлиши мумкин. Катта ёшдаги ирсий ФСГС одатда ўзгарувчан пенетрацияга эга бўлган аутосом-доминант касаллик сифатида ирсийланади. Одатда протеинурия <5 г/сут/1,73 м² ва буйрак функциясини аста-секинлик пасайиши билан намоён бўлади[40,41]. Ирсий ФСГС учун глюкокортикостероид терапияга қаршилик каби хусусиятнинг прогностик қиймати паст, чунки ФСГСнинг ушбу варианты бўлган баъзи беморларда бу терапияга жавоб реакцияси кузатилади, аммо улар узоқ муддатли тўлиқ ремиссияга кам учрайди [42].

Шикоятлари ва анамнез

ФСГС билан бемор периферик шишларни кузатилиши ёки уларнинг кўпайиши, умумий танага тарқалишига шикоят қилиши мумкин. Одатда шишлар бир неча ҳафта давомида ривожланади, ўткир бошланиб, тана вазни 5-10кг гача ошиши мумкин. Беморларнинг сўзига кўра пешоб кўпириши мумкин. Кўпинча умумий холсизлик, қувватсизлик ва иштахасизлик кузатилади.

Беморни пешоб миқдорини камайиши, бел соҳасида оғриқ, артериал қон босимни ошиши ёки пасайиши, юрак уриб кетиши(гиповолемия ривожланиши билан), кам ҳолатларда пешобни қизариши(макрогематурия) безовта қилади. Нефротик синдромнинг асосий кўринишлари билан бир қаторда, клиник кўринишида унинг инфекцион ва тромбоэмболик асоратлари (кўпинча чуқур веналар, буйрак веналари тромбози, тромбоэмболия ва ўпка артерияси тромбоэмболияси), ўткир буйрак шикастланиши(ЎБШ)

кузатилиши мумкин.

2. Касаллик ёки ҳолатни ташҳислаш (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи), Ташхис ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатма:

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	ДАД	Текширувнинг номи
С	5	ФСГС га шубҳа қилинган ёки ФСГС тасдиқланган беморларни даволашда аҳамиятли бўлган шикоятлари, анамнез йиғиш, физикал кўрик ўтказиш, касалликни оғирлиги ва клиник намоён бўлиш белгиларини, ассоцирланган ҳолатларни ва касалликни аниқлаш. [1,29,43,44].
С	5	Прогнозлаш ва терапияни танлаш учун касалликни иккиламчи вариантларини истисно қилган ҳолда бирламчи ФСГС ташхисини тасдиқлаш нефролог шифокорларга тавсия қилинади [1,29,43,44].

Шарҳ: *Бирламчи ФСГСни ташхислаш аввал иккиламчи сабабларини истисно қилишдан бошланиши керак. (1 жадвал).*

3.2 Физикал кўрик

Беморларни кўрик вақтида кўпинча яқинда ўтказилган юқори нафас йўллари инфекциясидан кейин ривожланадиган нефротик синдромнинг клиник кўриниши намоён бўлиши характерли. Яққол намоён бўлган шиш терида ёриқларни пайдо бўлиши, сероз суюқликнинг оқиши ва яра юзаларининг инфицирланишига олиб келиши мумкин. Бунда қон босимини ошиши, диастолик артериал гипертензия оғир даражада кузатилиши мумкин (≥ 120 мм сим.ст.).

Ўткир нефротик синдром ривожланган беморларда гиповолемия хавфи мавжуд бўлиб, унинг натижасида нефротик криз ривожланиши мумкин. Нефротик криз ривожланиши гипоальбуминемия ҳисобига плазмадаги онкотик босимни тушиши, натижада интраваскуляр суюқликни интерстицийга ўтиши билан боғлиқ. Нефротик кризнинг белгиларига иситма, қусиш, қориндаги оғриқ, диарея, қўл ва оёқ учларини музлаши(капиллярларни секин тўлиши билан боғлиқ), олигоурия, тахикардия, қорин ва сон терисида харакатланувчи эритемаларни пайдо бўлиши киради. Артериал қон босимини тушиши(ортостатик гипотензия) гиповолемиyani кечки белгиси бўлиб ҳисобланади. Гиповолемия буйракларда перфузияни камайтириб ЎБШга олиб келиши мумкин.

Бироқ айрим ҳолатларда айрим ФСГС бўлган беморларда нефротик синдром

кузатилмаслиги мумкин.

3. Лаборатор ташхисий текширувлар

Исботланганлик меъзони	Далилларни исботланганлик даражаси	Текширувнинг номланиши
С	5	СБК тавсияномаларига мувофиқ буйрак дисфункциясини баҳолаш, прогнозлаш, даволашга таъсир қиладиган хавф омилларини аниқлаш ва терапия хажмини белгилаш учун ФСГС ташхиси тахмин қилинган ёки қўйилган беморларга лаборатор ташхислаш базавий хажмда олиб борилиши керак[25].
А	2	<p>ФСГСга тахмин қилинган ва ташхисланган ҳамда нефротик синдром кузатилган барча беморларга веноз тромбоз ва эмболия хавфини аниқлаш, терапия хажмини ва унга тузатишлар киритишни аниқлаш учун куйидаги кўрсаткичларни текшириш тавсия этилади: протромбин вакти(тромбопластин), халқаро нормаллашган бирлик (ХНБ), қисман фаоллаштирилган тромбопластин вакти (ҚФТВ), фибриноген даражаси ва Д-димер концентрацияси [45-47].</p> <p>Шарҳ: МА натижаларига кўра, нефротик синдромда тромбоэмболик асоратларнинг тарқалиши 8% ни ташкил қилади(95% ДИ 4-15%), бу гемостаз тизимининг бузилишларини ташхислаш ва даволаш, шу жумладан профилактика зарурлигини тақозо этади. ФСГС ташхиси қўйилган беморларда тромбоэмболик асоратларнинг частотаси 10%ни ташкил қилади, бу кўрсаткич нефротик синдром қайталаниши ҳолатларида ортади. Қонда Д –димер концентрациясининг ошиши ФСГС ва нефротик синдромли беморларда тромбоэмболик асоратларнинг ишончли кўрсаткичидир.</p>
А	2	<p>#циклоспорин** ёки #такролимус** билан даволанаётган ФСГС билан оғриган беморларга оптимал даволаш самарадорлигини таъминлаш ва терапиянинг токсиклигини камайтириш учун биринчи ойда дозани титрлаш мақсадида қонда препарат миқдорини текшириш мақсадга мувофиқдир[48-55].</p> <p>Шарҳ: Келтирилган дори воситалар мақсадли қўлланилиши, 3 бобга қаранг.</p>

3.1 Асбобий ташхисий текширувлар

Исботланганлик к меъзони	Далилларни исботланганлик даражаси	Текширувнинг номланиши
С	5	<p>ФСГСга шубҳа қилинган ёки ФСГС ташхиси тасдиқланган беморларда буйраклар, шунингдек, бошқа аъзо ва тизимлардаги таркибий ўзгаришлар оғирлигини баҳолаш, буйрак функциясининг пасайишини ва бошқа нохуш ҳодисалар хавфи билан боғлиқ зарарланишни баҳолаш учун СБК бўйича тавсияларда назарда тутилган инструментал диагностик текширувларни ўтказиш тавсия этилади[25].</p> <p>Комментарий: <i>Сабабидан қатъий назар, нефротик синдром кузатилган 7032 та беморларни катта ретроспектив таҳлилда тромбоземболик асоратларнинг ривожланиши, хавф омиллари ва ривожланиш частотаси баҳоланган.</i></p>
В	3	<p>ФСГС ва нефротик синдромга шубҳа қилинган ёки тасдиқланган беморларда оёқ қон томирларини, буйрак веналарини дуплекс сканерлаш, агар қарши кўрсатмалар кузатилмаса кўкрак қафаси аъзоларини томиричи болусли контрастлаш ва тромбоземболик асоратларни ташхислаш учун бошқа зарурий тадқиқотлар ўтказилади [56].</p>

Тегишли клиник белгилар кузатилганда, қўшимча инструментал текширувларни ўтказиш лозим:

- Қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовуш текшируви (комплексли);
- Лимфа тугунларини ультратовуш текшируви (битта анатомик соҳа);
- Буйрак қон томирларини ультратовушли доплерографияси;
- Кўкрак қафаси аъзоларини компьютер томографияси;
- Қорин бўшлиғи ва қорин орти бўшлиғи аъзоларини компьютер томографияси;
- Ўпка томирларини компьютер-томографик ангиографияси;
- Юракни контрастли магнит-резонанс томографияси;
- Бош мия магнит-резонанс томографияси;

3.2 Бошқа ташхисий текширувлар

Исботланганлик к меъзони	Далилларни исботланганлик даражаси	Текширувнинг номланиши
А	1	<p>ФСГС га шубҳа қилинган беморларда қарши кўрсатма бўлмаса ташхисни тасдиқлаш, буйрак шикастланиш даражаси ва прогнозини баҳолаш, даво турини танлаш учун, ультратовуш назорати остида биопсия ўтказилади ва биопсия материали патологик текширилади. [57,58].</p> <p>Шарҳ: Давони самарадорлиги, буйрак чиқиши ва леталлик клиник-морфологик таъхисга боғлиқ.</p>
В	3	<p>ФСГС ташхисига шубҳа қилинган беморларга касалликни ишончли ташхислаш ва унинг асосий ва иккиламчи шакллари фарқлаш учун буйрак тўқимаси намунаси электрон микроскопда ўтказиш тавсия этилади [22,59,60].</p> <p>Изоҳ: Нефротик синдром клиникаси кузатилган беморларда ФСГС га шубҳа қилиш мумкин; Аммо якуний таъхис буйрак биопсияси ўтказилган ва биопсия материални патолого-анатомик текшириш асосида қўйилади. Касалликни эрта босқичларида шикастланишини фокал турида аниқ хулоса олиш учун материалда камида 10-15 та коптокчалар бўлиши керак. Акс ҳолда ФСГС таъхисини ишончли тарзда истисно қилиш мумкин эмас ва баъзи ҳолатларда минимал ўзгаришлар касаллиги сифатида нотўғри таснифланади[28,61,62].</p> <p>Подоцитлар ўсигини диффуз (майdonи\geq80%) тарқалишида бирламчи ФСГС сифатида таснифланади; ўчоқли (майdonи$<$80%) бўлган тарқалишида иккиламчи ФСГС сифатида қаралади. Қондага истисно сифатида ОИВ нефропатияси ва дорили ФСГС ҳамда памидрон кислотани қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бунда подоцитлар ўсиқлари 80% дан кўп ҳолларда</p>

		тарқалиши ва оғир нефротик синдром кузатилади. [28].
С	4	Қуйидаги ҳолатларда генетик текширувларни ўтказиш керак: (1) оилада сурункали буйрак касаллиги бўлган ва ФСГС ташхиси тасдиқланган бўлса (асосан нефротик синдром бўлган), (2) синдромлари кузатилса (карлик, тери шикастланиши, неврологик бузилишлар, кўзни зарарланиши, скелет аномалиялари, гепатоспленомегалия ва бошқалар). (3) Яққол намоён бўлган ФСГСда, ИСТга турғунлик бўлганида генетик сабабларини истисно қилиш ва кейинги даволаш тактикасини аниқлаш учун. [24,29,40,63].
А	1	ИСТ га чидамли бирламчи ФСГС тасдиқланган бўлса, ташхисни аниқлаштириш ва давони коррекциялаш мақсадида беморларда подоцит генини генетик текширувини ўтказиш тавсия этилади. [64].
С	5	Биринчи даражали ИСТга жавоб берган ёки аниқ сабабларга кўра иккиламчи ФСГСнинг характерли клиник ва морфологик хусусиятларига эга бўлган ФСГС билан оғриган беморларга диагностика мақсадида генетик тестни тавсия этмаймиз[29]. <i>Изоҳ:</i> Катталарда наслий буйрак касаллиги тарихи кузатилмаганда, глюкокортикоид ва кальцийневрин ингибиторлари терапиясига чидамли бўлган ФСГСнинг генетик вариантлари тобора ошиб бормоқда. ФСГС терапиясига резистентлик ривожланишига жавоб берадиган генлар 1.2 бобда келтирилган. Уларга истисно равишида ИСТ га жавоб берадиган <i>WT1, TRPC6, PLCE1, MAGIC2, TNS2, DLC1, CKD20, ITSN1</i> ва <i>ITSN2</i> генларидаги мутациялар ҳам киритилган. [42]. ФСГС билан касалланган беморларнинг генетик текшируви учун қўлланиладиган ҳозирда кенг тарқалган генетик усул бу бевосита(Сенгер бўйича)секвенирлаш ва янги авлодни мақсадли секвенирлашидир. Бутун экзомани

		<p>тўлиқ секвенирлаш энг информатив ва қиммат усул бўлиб, генлардаги-янги ген ва кандидатларидаги мутацияларни аниқлашда ва айниқса оилавий анамнез бўлмаганда аҳамиятлидир.</p>
С	5	<p>ФСГС бўлган катталардаги генетик текширув учун кўрсатмалар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Наслий синдромлар учун характерли клиник белгилар ва/ёки анамнез • Маълум бир касаллик учун хос клиник кўринишлар бўлмаса, ташхис қўйишда учун. • Иммуносупрессив терапиядан фойдаланишни чеклаш, айниқса унга катта эҳтимол билан жавоб бермайдиган беморларда. • Буйрак трансплантациясидан кейинги рецидив хавфини аниқлаш учун. • Тегишли донордан ёки юқори даражада трансплантация қилиш хавфини баҳолаш учун APO1 генидаги мутацияга шубҳа қилинганда. • Пренатал ташхислашда ёрдам учун.
С	5	<p>Қиёсий ташхислаш учун текшириш лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Комплимент С3 • Комплимент С4 • АНЦА тест (Антинейтрофил Цитоплазматик Антитаналар) • цАНЦА (цитоплазматик - АНЦА, сANCA) • пАНЦА (перинуклеар АНЦА, рANCA) • қонда Anti-dsDNA Ab • қонда Anti-La/SSB Ab • қонда Anti-Ro/SSA Ab • Anti GBM-Ab • Фосфолипаза А2 рецепторларига антитаналар (Anti-PLA2R), IgG • Қонни иммунограммаси (хужайравий) • АНА (Антинуклеар антитаналар) • Кардиолипинга қарши антитаналар (aCL), IgG ва IgM, • Бўричали антикоагулянт (ВА), • Бета-2-гликопротеин-І га қарши антитаналар (aβ2-GP-I), • Пешобнинг бактериал экмаси;

4. Даволаш, медикаментоз ва номедикаментоз терапия, диетотерапия, оғриқсизлантириш, даволаш усулларига тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар

1. ФСГС ни даволашда умумий ёндашув



4.1. ФСГС ни ноиммунсупрессив терапияси

Исботланганлик к меъзони	Далилларни исботланганлик даражаси	Текширувнинг номланиши
С	5	<p>ФСГС ташхиси қўйилган беморларда ноиммуносупрессив ренопротектив терапияни кўрсатмаларига мувофиқ ва СБК бўйича тавсияларда кўрсатилган хажмда ўтказиш, протеинурия ва касалликнинг ривожланиш тезлигини камайтириш, буйрак дисфункцияси асоратларини олдини олиш ва даволаш тавсия этилади[25].</p>
А	1	<p>ФСГС билан оғриган барча беморларга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда протеинурияни камайтириш, буйраклар дисфункциясини ривожланишини секинлаштириш, юрак қон томир асоратларини ривожланиши ва ўлимга олиб келувчи бошқа сабабларни бартараф этиш учун ренин ангиотензин тизимини бостирувчи(РАТи), ангиотензин алмаштирувчи фермент ингибиторлари (ААФи) ёки ангиотензин II рецепторлари блокаторлари(АРБ) тавсия этилади [65-67].</p> <p><i>Изоҳ: ААФи ёки АРБ лари нефропротектив терапияни асоси ҳисобланади. Бу “Сурункали буйрак касаллиги” бўйича 2021йилнинг клиник тавсияномаларини 3 бобида ёритилган[25].</i></p>
А	2	<p>ФСГС ташхисига шубҳа қилинган ёки ташхисланган ва қондаги албумин <25 г/л бўлган беморларга нефротик синдромнинг олдини олиш учун эноксипарин натрий** ёки надропарин кальций ёки далтепарин натрий биринчи 6 ой давомида тромбоемболик асоратларни олдини олиш мақсадида тавсия этилади(шарҳларга қаранг) [46,47,56,68].</p> <p>Шарҳ: <i>Нефротик синдром кузатилган ва қонда албумин <25 г/л бўлганида веноз тромбоемболик асоратлар ривожланиши нефротик синдром кузатилмаган беморларга нисбатан 3 мартаба кўпроқ учрайди. Энг юқори тромбоемболик асоратлар нефротик синдромни дастлабки 6 ойида кузатилиши мумкин[68].</i></p> <p><i>Профилактик дозалар: эноксипарин натрий** 4000 анти-Ха МЕ, тери остига, қунига 1марта; надропарин кальций 2850 анти-Ха МЕ, қунига 1марта, тери остига; далтепарин натрий 2500 анти-Ха МЕ қунига 1марта, тери остига.</i></p>

А	1	<p>ФСГС ташхиси тахмин қилинган ёки тасдиқланган ва СБК ни 1-4босқичи хис. КФТ>20 мл/мин/1,73 м2 бўлганида тромбоземболик асоратларни профилактикаси, даволашда Ха фактори ингибиторлари (апиксабан**, ривароксабан**) ёки дабигатран этексилат** тавсия қилинади [69,70].</p>
---	---	---

4.2 Бирламчи ФСГС ни даволаш

Бирламчи ФСГС ни биринчи эпизодни даволаш

(Бирламчи ФСГС ни инициал давоси)

ФСГС да буйрак сақланиши **башоратини** баҳолаш учун энг ишончли кўрсаткич касалликни давога жавоб реакциясидир. Давога жавоб реакцияси кузатилмаган 50% беморларда ремиссия ёки нотўлиқ ремиссияга эришган беморларга нисбатан ТБЕ 10 йил ичида ривожланади[71].

ИСТ ни тавсия қилишдан олдин ФСГСни бирламчи ёки иккиламчи турга киришини аниқлаш лозим.

Бирламчи ФСГС ташхисланган кўп беморларда нефротик синдром кузатилади, ЭМ маълумотларига кўра, яъни подоцит оёқчаларини диффуз тарқалиши кузатилганда фаол ИСТ тавсия қилинади. Глюкокортикоидларни қабул қилган беморларда нефротик синдромнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари яхшиланиши кузатилиши мумкин, аммо биопсия вақтида подоцитлар оёқчаларининг диффуз тарқалишини морфологик тасдиғи бўлмаслиги мумкин. Бироқ тўлиқ ремиссия кузатилмаган бўлса, бу беморларга ИСТ таклиф қилинади, айниқса дастлабки даврда ўтказилган биопсияда бирламчи ФСГС нинг типик хусусиятлари аниқланган бўлса. Кам ҳолатларда беморларда бирламчи ФСГС белгилари нефротик синдромсиз кузатилиши мумкин; бу беморларга глюкокортикоид терапия фақат нефротик синдром кузатилганда тавсия қилиш лозим.

Иккиламчи ФСГС да ИСТ тавсия қилинмайди.

Бундан ташқари қоидага кўра ИСТ умумий гломерулосклероз ва интерстициал фиброзда қўлланилмайди. Чунки қайтарилмас шикастланишларни келтириб чиқаради, айниқса буйрак фаолияти сезиларли даражада камайган бўлса. Бу ҳолатда ИСТ самарасиз бўлиши мумкин.

Исботланганли к меъзони	Далилларни исботланганлик	Текширувнинг номланиши
----------------------------	------------------------------	------------------------

	даражаси	
В	3	<p>Касаллик ремиссиясини индукциялаш учун биринчи қатор терапиясига глюкокортикоидлар (преднизолон**, ичишга, 1мг/кг/сут, 80мг/сут ошмаслиги керак) тавсия этилади [71-74].</p> <p>Шарҳ: Рандомлашган клиник текширувлар (РКТ) натижалар кузатишидаги текширувларга асосланган [71- 74]. Бирламчи ФСГС билан оғриган беморларда глюкокортикоидларни қўллаш ва ремиссияга эришиш нефротик синдром билан боғлиқ асоратларни, шу жумладан бурак функциясининг прогрессив пасайиши хавфини камайтиради. Бунда преднизолон** билан боғлиқ салбий ҳолатлар (А3 илова, п.1) камаҳамиятлидир.</p>
В	3	<p>Бирламчи ФСГС ва нефротик синдром бўлган беморларда қарши-кўрсатмалар бўлмаса, ремиссияга эришиш учун преднизолонни** белгиланган дозада(1мг/кг/сут, ичишга, кунига 80мг/сут ошмаслиги керак), ≥ 4 ва ≤ 16 ҳафталик муддатга берилади [34,75-78].</p> <p>Шарҳ: ФСГС глюкокортикоидларга нисбатан юқори резистентликка эга касаллик, аммо давога жавоб олиши учун бошланғич доза юқори ва узоқроқ бериш тавсия этилади[34,75-78]. Бирламчи ФСГС билан оғриган ёши катта беморларда юқори дозада преднизолон** қабулини оптимал давомийлиги аниқ эмас, бироқ максимал ≤ 16 ҳафтани ташиқил қилиши керак, чунки кўп беморлар ремиссияга 16 ҳафтада протеинурия камайиши (асосан 4-8 ҳафтада)билан эришган.(3 жадвал, “Илова Б” п.2)[34]. Агар протеинурия ушбу даврдан кейин давом этса, жиддий ножўя таъсирлар юзага келса, юқори дозали преднизолон** билан даволаш тўхтатилиб, муқобил даволаш схемаларини кўриб чиқиши керак.</p>

3 жадвал. Бирламчи ФСГСни биринчи эпизодини даволаш.

Дори воситаси	Доза ва давомийлиги
Глюкокортикоидлар	<p>Бошланғич доза:</p> <p>Преднизолон** 1 мг/кг/кун(макс. 80 мг/сут), ичишга, хар куни ёки 2 мг/кг/кун(макс. 120мг) муқобил режимда (кун ора).</p>
	<p>Давомийлиги:</p> <p>Бошланғич доза давомийлиги 4 ҳафта ремиссия кузатилгунча ёки 16 ҳафтагача давом эттирилади.</p> <p>Беморларда протеинурия глюкокортикоидлар билан даволаш давомида қоида бўйича 16 ҳафтагача камаяди, агар терапияга бу вақтда жавоб реакцияси кузатилмаса юқори дозали</p>

	<p>глюкокортикоидларни қўллашни 16 ҳафтагача тўхтатиш лозим.</p>
	<p>Камайтириш ва тўхтатиш: Протеинурия тезкорликда камайиши кузатилса тўлиқ доза қабули 4 ҳафтагача давом эттирилади; Протеинурия йўқолса яна 2 ҳафта кўшилади. Кейин преднизолон** дозасини 1-2 ҳафтада 5мг дан камайтириш керак, умумий даволаш муддати 6 ойгача. Дозани камайтиришда мумкин бўлган терапевтик тактика преднизолоннинг** кун ора дозасига ўтиш(кунлик дозани икки баробар ошириш, суткалик доза 80-120мг дан ошмаслиги керак) ва кейин бу суткалик дозани ҳар 2-3 ҳафтада 1таблеткага камайтириш. Қисман ремиссия 12 ҳафталик даволанишдан сўнг ривожланса, преднизолоннинг** кунлик истеъмолини ушлаб туриб, суткалик дозани ҳар 2-3 ҳафтада 1 таблеткага аста секин камайтириш керак. 12-16 ҳафтада протеинурия пасайиши кузатилган, аммо қисман ремиссия мезонларига жавоб бермайдиган беморлар учун преднизолоннинг** юқори дозасини давом эттириш ёки терапияни ўзгартириш тўғрисида глюкокортикоидларга чидамлилиқ асосида қарор қабул қилинади. Стероид резистентлик ёки жиддий ноўя таъсирлар кузатилганида преднизолон** дозасини тезда камайтириш ва муқобил даволаш схемаларини кўриб чиқиш керак.</p>
<p>Кальцинейрин ингибиторлари</p>	<p>Бошланғич доза: #Циклоспорин** 3-5 мг/кг/кундозада ёки #такролимус** 0,05-0,1 мг/кг/сут, 2 махалга бўлинган ҳар 12 соатда. Қон зардобидида мақсадли концентрация: #циклоспорин 100-175 нг/мл, #такролимус 5-10 нг/мл. Давомийлиги: Қонда #циклоспорин** ёки таролимусни**мақсадли концентрациясига эришилганда ушбу препаратни 6 ой давомида шу дозада қабул қилишни давом эттириш керак, шундан сўнг таъсири кузатилмаса терапияга чидамлилиқ аниқланади. Камайтириш ва тўхтатиш: Тўлиқ ёки қисман ремиссияга эришган беморларда препарат билан даволанишнинг умумий даволаниш муддати 12 ойгача шу дозада давом эттирилиши керак. Кейин препарат аста секин 6-12 ой ичида камайтириб тўхтатиш мумкин.</p>

Бирламчи ФСГС даволашн мақсади ремиссияга эришишдир, бунда тўлиқ ремиссия афзалроқдир [34,71,76].

Исботланганлик к меъзони	Далилларни исботланганлик даражаси	Текширувнинг номланиши
В	3	<p>Бирламчи ФСГС билан оғриган беморларда глюкокортикоидларга жавоб реакция олинганида даволаш давом эттирилиб, кейинчалик доза камайтирилади. (3 жадвал; «Илова Б», п. 2) ремиссия 6 ойдан кам бўлмаган вақтда ремиссияни сақлаш[34,77].</p> <p>Шарҳ: Бирламчи ФСГСни преднизолон** билан даволаш давомийлиги аниқ эмас. Кўп ҳолатларда 6 ойдан кам бўлмаган умумий курс талаб қилинади, [76,78], тўлиқ ремиссия 12 ой давомида ёки ундан кўп вақтда кузатилиши мумкин[79]. ИСТ қабул қилаётган беморларда ўртача даволаш муддати 5,7 ойни ташкил қилди. Қисқа курслар (2ой ёки ундан кам) ремиссия кўрсаткичларини анча паст бўлишига олиб келади(20%-30%) ва бу терапия самарасиз деган нотўғри хулосага олиб келиши мумкин[34,77].</p>
В	1	<p>Бирламчи ФСГС билан оғриган беморларда глюкокортикоидларга қарши кўрсатмалар ёки уларни қўллаш билан боғлиқ асоратлар мавжуд бўлса ремиссияга эришиш учун кальцийневрин ингибиторларини (#циклоспорин** ёки #такролимус**)билан даволаш тавсия этилади. [72,80-82].</p> <p>Шарҳ: Семизлик, диабет, остеопороз, 70ёшдан ошган, психик ва бошқа шу каби касалликларга чалинган беморлар ва даволовчи шифокорнинг ихтиёрига кўра терапия рад этилса преднизолоннинг юқори дозаларини юборишига нисбий қарши кўрсатма сифатида қаралади.</p> <p>Семириб кетган, қандли диабет ва остеопороз билан оғриган ФСГС билан оғриган 51 нафар беморни кузатиш тадқиқотида циклоспорин** нинг паст дозали преднизолон** билан комбинацияси преднизолон** монотерапиясини юқори дозаларига нисбатан(62,5%) тезроқ ремиссияга олиб келади(>80%), билан солиштирилганда [72]. Бу текширувда 3мг/кг/кундозада #циклоспорин** концентрация мониторингсиз қўлланилган, даволаш 25 ой давомида олиб борилган. Бошқа кузатув тадқиқотларида такролимус** терапияси кунига 4мг дозада, максадий даража 4-7 нг/мл бўлган глюкокортикоидларни қўшмасдан 6,5±5,9</p>

		<p>ойлик даволашдан сўнг ФСГС ремиссиясига олиб келди[82].</p> <p>Кальцийневрин ингибиторларини қабул қилишга қарши кўрсатмалар орасида қон томирларда сезиларли ўзгаришлар ёки бўйрак биопсияси натижаларига кўра оғир интерстициал фиброз бўлган беморлар ёки бу дориларнинг нефротоксиклик хавфи туфайли КФТ <30 мл/мин/1,73 м2дан камайган беморлар киради.</p>
--	--	--

3.1.1 Стероид резистент бирламчи ФСГС ни даволаш

Исботланганли к меъзони	Далилларни исботланганлик даражаси	Текширувнинг номланиши
A	1	<p>Стероидларга чидамли бирламчи ФСГС бўлган беморларда ремиссияга эришиш учун камида бой давомида преднизолоннинг паст дозаси билан ёки уларсиз кальцийневрин ингибиторлари билан даволаш тавсия этилади[57,58,82-85].</p> <p>Шарҳ: Стероидларга чидамли бирламчи ФСГС ни даволаш бўйича тавсиялар #циклоспорин**нинг плацебо ва бошқа дорилар билан солиштирганда афзалликларини ўрганувчи бир нечта РКТ натижаларига, шунингдек кузатув ва назоратсиз тадқиқотларга асосланган. Улардан бирида #циклоспорин** кунига 5мг/кг дозада катта ёшли беморларга 6 ой давомида монотерапия сифатида буюрилган, сўнгра еўлиқ еўхтатилгунга қадар доза ҳар икки ойда 25%га камайтирилиб, таъсири преднизолон** сақловчи терапия билан солиштирилган. Тўлиқ ёки қисман ремиссия #циклоспорин** қўлланилганда(59% қарши 16%) сезиларли даражада тез-тез қайд этилган. Ижобий таъсир терапияни 2-8 ҳафтасига эришилди; 3 ой давомида терапиядан самара кузатилмаса, #циклоспорину**га резистентлик ҳақида гап кетади[85]. Бошқа РКТ да #циклоспорином** билан даволаш (бошлангич доза 3,5 мг/кг, мақсад даражасини сақлаб қолиш учун #циклоспорино** 125-225 мкг/л дозада берилади) преднизолонни** кичик дозаларини 0,15 мг/кг/кунплацебо билан солиштирилганда бирламчи стероид резистент ФСГС билан солиштирилган. 26 ҳафтадан сўнг #циклоспорин** қўлланилганда қисман ёки тўлиқ ремиссия (70% га қарши плацебо 4% билан) анча тез кузатилган. 52- ва 78-ҳафталарда #циклоспорин** тўхтатилганидан кейин қайталаниш даражаси 40% ва 60% ни ташиқил этади[48]. Тавсия плацебо ёки бошқа ИСТ билан солиштирилганда стероидга чидамли ФСГС бўлган беморларда#циклоспорин** дан фойдаланиш бўйича 7 та РКТни ўз ичига олган МА маълумотларига асосланган. #Циклоспорин** терапияси бошқа ИСТ схемалари билан солиштирилганда қисман ремиссиянинг юқори даражаси ва ножўя ҳодисаларининг</p>

		<p>солиштирма частотаси билан боғлиқ[58].</p> <p>Бир нечта назоратсиз тадқиқотлар ФСГС нинг стероидга чидамли шаклларида #такролимус**нинг самарадорлигини кўрсатди. Стероид ёки циклоспоринга чидамли ФСГС билан оғриган беморларда глюкокортикоидларнинг паст дозалари билан биргаликда #такролимус** қўлланганда, 6 ой ичида 48% ҳолларда тўлиқ ёки қисман ремиссияга эришилган. ҳис. КФТ ни қайтар ўткир пасайиши 40% беморларда кузатилган [53]. Бошқа бир тадқиқотда стероидга чидамли асосий ФСГС бўлган беморларда 48 ҳафталик такролимуснинг самарадорлиги баҳоланди, бунда тўлиқ ремиссия 38,6% ва қисман ремиссия 13,6% га эришилди, 15,9% да ўткир нефротоксиклик кузатилди [49].</p> <p>Бу тадқиқотлар исботланганлик даражаси паст бўлишига қарамасдан [80,85,86] бу тавсиялар кучли ҳисобланади. Бу тавсия исботланганлик даражаси юқори. Циклоспорин** ва такролимус**нинг нефротоксиклигини намоён бўлиши одатда қайтар ҳисобланиб, узоқ муддатли глюкокортикостероид терапиясининг кўплаб ножўя таъсирларини ривожланишига ва/ёки стероид билан оғриган беморларда буйрақлар фаолиятининг сусайишини юқори учрашига қараганда камроқ хавфлидир. Чидамли ФСГСда нефротоксиклик хавфи эса қондаги дори даражасини диққат билан назорат қилиб бориши билан камаяди.</p>
A	2	<p>Циклоспорин** ёки такролимус** билан даволанган бирламчи ФСГС билан оғриган беморларга терапиянинг оптимал самарадорлигини таъминлаш учун қонда мос равишда 100-175 нг/мл ва 5-10 нг/мл бўлган мақсадли дори даражаларига эришишни тавсия қиламиз[48,49].</p> <p>Шарҳ: Кальцийневрин ингибиторлари дозаси ва давомийлиги 3 жадвалда кўрсатилган (3.2.1 боб).</p> <p>Кўп клиник текширувларда қўлланилган #циклоспорин**нинг бошланғич дозаси 5 мг/кг/кун[50-52,85,87], 6мг/кг/кундан ортиқ миқдорда қўллаш нефротоксиклик ҳавфини оширади [50]. Дозага боғлиқ нефротоксикликни инobatга олиб давони паст дозадан бошлаб, қонда секинлик билан мақсадли даражагача ошириб бориши керак. Циклоспорин** даражасини 250-600 нг/мл [82]га етказишига қаратилган бир тадқиқот бундан мустасно, қолганлари 100-225 нг/мл қондаги мақсадли концентрацияларда циклоспорин**нинг ремиссиясини келтириб чиқариши қобилиятини кўрсатди.</p> <p>Назорат қилинмаган бир тадқиқотда #такролимус** 0,15 мг/кг/кунбошланғич дозада қўлланилган, биринчи тўрт ҳафтада қондаги дори концентрацияси 10,3 дан 11,8 нг/мл гача бўлган[52]. Бошқа истиқболли тадқиқотда такролимус кунига 0,1 мг/кг/кундозада қўлланилган ва такролимуснинг минимал мақсадли концентрацияси тахминан 7 нг/мл га эришилган[49].</p> <p>Ушбу дорилар ўртасидаги танлов уларнинг нархига, қондаги концентрацияси ва юзага келиши мумкин бўлган таъсирларни аниқлаш қобилиятига асосланади.</p>

		<p>#Циклоспорин** қабул қилганда гирсутизм ва милк гипертрофияси учраш частотаси 70% га 30% да юзага келади, #такролимус** билан даволашда камроқ кузатилган ва бу дори воситаси ёш аёллар учун мақбул вариант ҳисобланади[88]. Бироқ бошқа тарафдан #такролимус** қабул қилганда қандли диабет ривожланиши мумкин. Кальцийневрин ингибиторларини ҳис.КФТ <30 мл/мин/1,73 м2. бўлганида қўллаш керак эмас. χКФТ<30 мл/мин/1,73 м² наст бўлган беморларга кальцийнефрин ингибиторларини тавсия этиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар оғир нефротик синдром бўлган ва ҳис.КФТ<30 мл/мин/1,73 м2 га пасайган беморда буйрак биопсиясида енгил интерстициал фиброз ва кенг қамровли интерстициал шши аниқланса, кальцийневрин ингибиторларини эҳтиёткорлик билан қўллаш мумкин, аммо бошланғич дозанинг ярмида эҳтиёткорлик билан. Одатда буйрак функцияси нормал бўлган беморлар учун тавсия этилади, шу билан бирга зардобдаги креатинин(ва ҳис.КФТ) динамикаси препаратни қўллаш бошланганидан бир ҳафта ўтгач баҳоланиши керак.</p>
<p style="text-align: center;">A</p>	<p style="text-align: center;">2</p>	<p>Стероид резистент бўлган бирламчи ФСГС да кальцийневрин ингибиторлари ремиссияга эришилгунига қадар 12 ойгача асоратлар хавфини олдини олиш мақсадида берилади[57,82,89]. Шарҳ: Циклоспорин** тўхтатилганидан кейин қайталаниши юқори частотаси кузатилади. РКТ ларда [48,85] ФСГС дори тўхтатилганидан кейин 40-69% да бир йилдан кейин ва 60% беморларда 78 ҳафтадан кейин қайталаниши кузатилади. Кузатув тадқиқотларида циклоспоринни бекор қилгандан кейин қайталаниши даражаси ҳам 60% дан 80% гача. Тадқиқотлардан шунини кўришимиз мумкинки 60-80% ҳолатларда циклоспаринни бекор қилгандан кейин каасаллик қайталаниши кузатилган.. Такролимус** билан даволашда ҳам 76% га тенг бўлган такрорланиши даражаси қайд этилган[58].</p>
<p style="text-align: center;">B</p>	<p style="text-align: center;">2</p>	<p>Глюкокортикоидлар ва калциневрин ингибиторларига чидамлик ёки ушбу дориларни қўллашга қарши кўрсатмалар мавжуд бирламчи ФСГС бўлган беморларда ремиссия индукцияси учун #микофенолат мофетил** билан даволашни кўриб чиқиш тавсия этилади [90,91]. Шарҳ:Тавсия #микофенолат мофетил** самарадорлигини кўрсатган иккита РКТ га асосланган. [90,91]. РКТда (n=192) 12 ойлик циклоспорин** курсининг самарадорлиги (100 дан 250 нг/мл мақсадли даражаси билан кунига 5-6 мг/кг дозада) стероидга чидамли ФСГС бўлган беморларда глюкокортикоидларнинг юқори дозалари билан биргаликда #микофенолат мофетил** (25-36 мг/кг/кун дозасида) қўлланилади. #Циклоспорин** олган беморларнинг 46% да ва глюкокортикоидлар ҳамда #микофенолат мофетил** билан комбинацияланган даво олган беморларнинг 33 % да 52 ҳафталик</p>

		<p>кузатувда ижобий натижаларга эришилди (фарқлар ишочли эмас). Даволашни тўхтатгандан кейин ҳам 26 ҳафта ичида кўзишлар сониди ҳам фарқ йўқ. Терапияга жавоб берганлар орасида ремиссия 78 ҳафталик кузатув давомида сақланиб қолди, ремиссия даражаси гуруҳлар орасида фарқ қилмади [90]. ФСГС билан оғриган 32 беморни ўз ичига олган очиқ рандомизацияланган тарқоқ тадқиқотда #микофенолат мофетил** терапиясининг кунига 2 г/сут га 0,5 мг / кг / сут преднизолон билан 2-3 ой давомида, кейинчалик аста-секин камайиши ва юқори дозали 1 мг/кг/кунпреднизолон билан биргаликда самарадорлиги солиштирилди. 6 ойдан сўнг, #микофенолат мофетил** асосидаги режим юқори дозали #преднизолон** монотерапияси каби самарали бўлди, аммо ремиссия тезроқ кузатилди ва #преднизолон**нинг кумулятив дозаси #микофенолат мофетил** гуруҳида пастроқлиги аниқланди [91].</p> <p>Бу кузатувларга асосланган ҳолда #микофенолата мофетил**нинг тавсия этилувчи дозаси (750-1000мг, 6 ой давомида 2махал) кичик дозадаги глюкокортикоидлар билан муқобил комбинацияда берилади: (1) Бирламчи стероид-резистент ФСГС беморларда; (2) Кальцийневрин ингибиторларини қабул қилиб нотўлиқ ремиссияга эришган беморларда; (3) Глюкокортикостероид ва кальцийневрин ингибиторларини нефротоксиклиги кузатилганда.</p> <p>Айрим кузатув тадқиқотларида #микофенолат мофетил** билан монотерапиянинг глюкокортикоидларсиз самарадорлиги кўрсатилган [92,93].</p>
